

XX АСР ЎЗБЕК ФАЗАЛЛАРИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТИГА ДОИР

Хайдарова Гулҳаё Аҳмадалиевна

Қўқон ДПИ тадқиқотчиси

h.gulhayoxon90@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Алишер Навоининг “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибига кирувчи девонларида аruz вазнининг мужтасс бахридан кенг фойдаланган. Уибу анъана кейинги давр газалнавислари ижодида кенг қўлланилиб келинган. XX асрдаги арузга бўлган муносабат қўпладб зиддият ва илмий баҳсларга сабаб бўлгани учун Фитратнинг “Адабиёт коидалари”, “Аruz ҳакида” асарларида аruz масалаларига оид билдирилган фикрлар кейинги тадқиқотлар учун манба бўла олган. XX аср ижодкорлари Собир Абдулла, Чархий ва Ҳабибий лирик меросида ҳам мазкур анъана изчил давом еттирилар екан, адабий ва ижтимоий муҳит ҳамда ўзбек тилининг лингвистик хусусиятлари таъсирида айрим баҳрларда маълум ўзгаришилар кўзга ташланади.

Калит сўзлар: шеър илми, илми аruz, анъана ва ўзига хослик, мужтасс бахри, саккиз руқни шакл, “Чор девон” куллиёти, сакталик, ҳижсо, вазнлар тақтеъси, мужтасс мусаммани маҳбуни мақсур тармоги.

АННОТАЦИЯ

В колледжах Алишера Навои «Хазайн ул-Маоний» он использовал широкий диапазон гирь аруз. Эта традиция широко использовалась в произведениях более поздних писателей. Поскольку отношение к чебобитной в XX веке вызвало много споров и научных дискуссий, мнения, высказанные по вопросам чебобитной в «Правилах словесности» и «О чебобитной» Фитрата, могли бы стать источником для дальнейших исследований. В то время как лирическое наследие художников XX века Сабира Абдуллы, Чархи и Хабиби продолжает эту традицию, под влиянием литературно-социальной среды и языковых особенностей узбекского языка в некоторых морях наблюдаются определенные изменения.

Ключевые слова: наука о поэзии, научное аruz, традиция и оригинальность, мужтасс бахри, восемиконечная форма, колледж «Чор девон», сакталик, хиджсо, вазнлар тақтеъси, мужтасс мусаммани маҳбуни мақсур тармоги.

ABSTRACT

In the colleges of Alisher Navoi "Khazain ul-Maoniy" he used a wide range of aruz weights. This tradition was widely used in the works of later writers. Since the attitude to the petition in the 20th century caused a lot of controversy and scientific discussions, the opinions expressed on the issues of the petition in Fitrat's "Rules of Literature" and "On the Petition" could become a source for further research. While the lyrical heritage of the 20th century artists Sabir Abdulla, Charkhi and Khabibi continues this tradition, certain changes are observed in some seas under the influence of the literary and social environment and linguistic features of the Uzbek language.

Keywords: science of poetry, scientific pursuit, tradition and originality, mujtass bahri, eight-pointed form, Chor Devon College, saktalik, hijo, vazn taqtes, mujtass musammani mahbuni maksur tartog.

КИРИШ

Ўзбек адабиётшунослигига шеър илми масалалари ўрганилар экан, илми аруз доимо биринчи ўринга қўйилган. Чунки "...аруз фаниким, назм авзонининг мезонидур, шариф фандур. Невчунким, назм илмининг рутбаси бағоят бийик рутбадур. Андоқки, Ҳақ субҳонаҳу таолонинг каломи мажидида қўп ерда назм воқеъ бўлуптурки, аруз қавоиди била ростдур¹". Бу аруз вазннинг қанчалик юқори қийматга эга эканлигини кўрсатувчи исбот ва Шарқ мумтоз адабиёти тарихида "шариф фан" вазнларидан энг мукаммал фойдаланган ижодкорнинг арузга берган баҳоси ҳамдир.

XX асрдаги арузга бўлган муносабат кўплаб зиддият ва илмий баҳсларга сабаб бўлгани учун айрим шоирлар бу вазнни тарк эта бошлаганлар. Фитратнинг "Адабиёт коидалари", "Аруз ҳакида" асарларида аруз масалаларига оид қатор фикрлар билдирилган. Олимнинг арузни анъанага кўра мутахаррик ва сокин ҳарфлар асосида эмас, бўғин усулида туркумлар бўйича тушунтиришга ҳаракат қилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни шу усул бугунги кунда хам араб ёзувини билмаган ўкувчи учун арузни ўрганиш имконини очади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек адабиётида мужтасс баҳрининг саккиз руқнили шаклидан фойдаланиб келинган. Фитратнинг таъкидлашича, бу баҳр араб ва форс

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. Мезон ул-авзон. –Тошкент: Фан, 2000. –Б.45.

назариячилари томонидан илгари сурилган экан.² Ушбу баҳрнинг сара намуналари Алишер Навоий “Чор девон” куллиётида мавжуд:

Лабинг ҳаёт суйидин зулол эмиш — билдим,
Зулол нуқтаси устида хол эмиш — билдим.³

Мужтасс мусаммани маҳбуни маҳзуф баҳри Собир Абдулла ва Чархий ғазалларида ҳам учрайди:

Кетур қадаҳ/ни менга со/қиё хумо/рим бор,
Кўзимда жил/вагарим нақ/ду гул узо/рим бор.
Етушса иш/қ эли ёрин /висолига /бир дам,
Демас жаҳон / элини куй/дураг шаро/рим бор.⁴
V — V — / V V — — / V — V — / — —
Мафоилун / фаилотун / мафоилун / фалун

Маълумки, ғазалиётда вазн талаби билан айрим сўзларни ўзгартириб қўллаш мумкин. Масалан, икки сўзини ики, биланни бирла, гулситонни гулситон деб қўлланган. Бу ҳақида А.Хожиаҳмедов ва У.Тўйчиев ўз асарларида тўхталганлар.⁵ Матлаъда келтур феъли кетур шаклида келтирилган бўлса-да, бу ҳолат хато ҳисобланмайди. Ғазалнинг учинчи байтида айтилишича:

Тутиб вафо /этагин де/мадим бу йў/л олис,
Кечиб ўзим/дин унга шу/кур-эътибо/рим бор.
V — V — / V V — — / V — V — / — —

Ушбу байтда ажратиб кўрсатилган ҳижоларнинг иккинчиси, яъни, **унга** ҳижоси асли ёпиқ бўғин фаилотун (V V — —) бўлса-да қисқа ҳижонинг ўрнида турибди.

Бизнингча, Чархийнинг 1941 йил ёзилган юқоридаги ғазалида вазн талабига мос бўлмаган бундай сакталиклар шоирнинг қўпол хатоси ҳисобланмайди. Бильакс, аruz вазнидан аста узоқлашаётган, янгиланиб бораётган ва бармоқ тизимини асос қилиб олаётган бир паллада ўзбек миллий шеърияти ихлосмандларига аruz илмининг муҳим қисми бўлган ғазал жанри воситасида арузниң бекиёс имконларини намоён этишга интилди, холос.

Шу ўринда аruz тизими тўғрисидаги қуйидаги фикрга эътиборни қаратсак: “Аруз юзлаб вазнларни ўз ичига олган мукаммал тизимга айланадики, у қайсиdir жиҳатлари билан Менделеев жадвалини ёдга солади. Яъни, назарий

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Илмий рисолалар.—Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 236.

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Олтинчи том. Фавойид ул-кибар. –Тошкент: Фан, 1989. – Б.296.

⁴ Чархий. Девон. –Тошкент: Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.68.

⁵ Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. –Тошкент: Фан,1981. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1998.

жиҳатдан барча вазнлар тақтесини чизиб кўрсатиш, шунга тушадиган шеър ёзиш мумкин; тизим таркибидаги айрим вазнлар фаол бўлса, бошқалари жуда кам қўлланади; айрим вазнлар кўпроқ араб, бошқалари форс, тагин бирлари эса туркий шеъриятда қўлланади”⁶. Мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф баҳри Собир Абдулланинг:

Фуруру фах/рим эрурсан, / муқаддас эй /тупроғ,
Фазал тўқиши / ила куйлаб / ҳақингда кўнг / лим чоғ⁷.

V — V — / V V — — / V — V — / — ~

матлаъли ғазалининг ҳам вазни бўлиб, ушбу ғазал ватанин мадҳ этиш, унинг гўзаллигини таърифу тавсиф этиш мавзусида ёзилган. Туркий шеъриятда ёр гўзаллигини мадҳ этиш, унинг ситамларидан ёзфириш, ағёrlар зулмидан жабр кўриш каби муҳаббатнинг мумтоз кўринишларини мадҳ этувчи ушбу вазн Собир Абдулла ижодида мавзу жиҳатидан бирмунча янгиланди. Бетимсол гўзаллик, жафокор ёр, раҳмсиз “дунёи дун”, “чархи кажрафтор”нинг хийлалари ўрни Ватанга муҳаббат, унинг муқаддас тупроғини ҳам қўзга тўтиё айлаш, унинг доимий куйлаш кераклигини авлодларга уқтириш каби мавзулар билан алмаштирилди. Мавзуни алмаштирса ҳам қўхна ва мукаммал вазнни алмаштиришга шошилмади. Ғазал давомида Ҳабибий ва Чархий ғазалларида учрагани каби айрим ўринларда вазн билан боғлиқ хатоликлар кузатилмади, фақат бир ўринда вазннинг ички имкониятларидан фойдаланиб, охирги руқн бошқаси билан алмаштирилди.

Узоққа бор/сам агар, эй /Ватан, соғин/гайман,

V — V — / V V — — / V — V — / — —

Мафоилун / фаилотун / мафоилун / фалун

Ўзинг-ўзинг/ мен учун сай/ргоҳ, су/янган тоғ⁸.

V — V — / V V — — / V — V — / — —

Мафоилун / фаилотун / мафоилун / фалон

Фикримизча, байтнинг охирги руқнидаги **янган тоғ** ҳижоси файлон /V — ~/ нинг ўрнига қўлланган бўлиши керак, чунки уч ҳижодан ташкил топган ушбу руқн мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур тармоғига тўғри келади.

Демак, Собир Абдулла, Чархий ва Ҳабибийлар тараннум этган турфа мавзулар қўхна аruz вазнини сақлаб қолишига ва келгуси авлодга етказиш борасида ўз ҳиссасини қўшишга муҳим омил бўлди.

⁶ Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик лугати. –Тошкент: Akademnashr, 2010. –Б.269.

⁷ Собир Абдулла. Девон. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.156.

⁸ Йоқоридаги манба ва сахифа.

REFERENCES

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Олтинчи том. Фавойид ул-кибар. –Тошкент: Фан, 1989.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. Мезон ул-авзон. –Тошкент: Фан, 2000.
3. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Илмий рисолалар.–Тошкент: Маънавият, 2003.
4. Собир Абдулла. Девон. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.
5. Чархий. Девон. –Тошкент: Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
6. Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. –Тошкент: Фан, 1981.
7. Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. –Тошкент: Шарқ, 1998.
8. Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2010.